



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT  
TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 29 - Iyul

1126 -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Элёр Озод Обод” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига кайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Элёр Озод Обод” фермер хўжалиги бошлиғи Э.Матякубовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига кайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгашининг ҳулосасини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Тумандаги “Элёр Озод Обод” фермер хўжалиги бошлиғи Э.Матякубовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Элёр Озод Обод” фермер хўжалиги раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Огахий ҳудудидаги “Элёр Озод Обод” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 100к, 101к, 102, 103к, 104, 106к, 683, 684, 685к, 686к, 692, 693, 697, 699к, 702, 703, 756, 814к, 815, 816, 817, 818, 819, 823, 832, 833, 834, 835, 837, 838, 839, 840, 848, 856, 865, 868, 870, 698к, 820к, 822к, 825к, 828к, 851к, 857к -контурлардаги жами 115,8 гектар, шундан 101,0 гектар экин ери, 0,4 гектар мева боғи, 1,5 гектар кўллар остидаги, 10,8 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 1,6 гектар йўллар

остидаги, 0,5 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) Огаҳий ҳудудидаги “Элёр Озод Обод” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Огаҳий ҳудудидан туман ер захира фондига қайтариб олинган ер майдони танловга қўйилсин.

5. Туманда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси (Э.Худайбергенов)га туман ер захира фондига қайтариб олинган ер участкаси бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими  
вазифасини бажарувчи



Ш.Яхшибаев